



Усмон Гозий (1258-1326) – Усмонийлар давлати асосчиси ва биринчи хукмдори (1299-1326). Давлат номи унинг шарафига қўйилган. 1258 йили Вифинияда тугилган. 1299 йили султон унвонини олган. 1326 йили Бурсада вафот этган.

Усмон ҳокимиятга келгач барча эътиборини Вифинияни бўйсундиришга қаратди. Усмоннинг энг биринчи муваффақиятли юриши 1291 йили Мелангияни забт этиши бўлди. Византиянинг бу мўъжаз шаҳарчасини Усмон ўзига қароргоҳ қилиб олди. Мелангиянинг аҳолиси у ерни ташлаб кетди, бир қисми эса тўқнашувларда ҳалок бўлган эди. Усмон у ерга Гармиён ва Онадўлининг бошқа ҳудудларидан аҳоли жойлаштирди. Христианлар қанисаси Усмон буйруғи билан масжидга айлантирилди ва ҳар жума кунлари унинг номи хутбада янграй бошлади. Афсоналарга кўра, ана шу пайтда Усмон салжук султонларидан бейлигини тасдиқловчи ногора ва туг олди. Орадан кўп ўтмай Усмон ўзига қарашли бўлган ўзни мустақил давлат, ўзини эса ҳеч кимга бўйсунмайдиган хукмдор деб эълон қилди. Бу тахминан 1299 йили, Кай Кубод II қўл остидагиларнинг исёнидан кўрқиб давлати пойтахтидан қочган пайт содир бўлди. 1307 йилгача

номигагина хукмронлик килган рум салжукийларининг сўнгги вакили мўғуллар буйруги билан бўғиб ўлдирилган вақтга қадар Усмон биров мустақил бўлса-да, кейин мўғул сулоласи Хулагуларга йиллик бож тўлаб турган. Бу Усмоннинг ўгли Ўрхун хокимият тепасига келгунча давом этди.

XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида Усмон бейлиги ўз ҳудудини сезиларли кенгайтди. Ёш давлатга кўшнларнинг душманлик назари билан қарамаганликлари, Усмоннинг Византияга юришларини осонлаштирди. Гармиён бейлиги гоҳида мўғуллар билан, баъзан византияликлар билан урушган бўлса, Кареси бейлиги уруш ҳаракатлари олиб боришга кучи етмас эди. Онадўлининг шимоли-ғарбидаги Чандар-ўгли бейлиги ҳам Усмонни безовта қилмасди, у бейлик бутун кучини мўғулларга қарши қурашишга сафарбар этган эди. Бу қулай вазият Усмоннинг ғарбга юришига имконият берарди.

1301 йил Усмон Енишеҳрни забт этиб у ерга қалъа қургач, Бурса шаҳрини қўлга қиритиш учун тайёрлана бошлади. 1302 йилнинг ёзида Византиянинг Бурсадаги вакили кўшнларини Вафеяда тор-мор қилди. Бу усмоний-туркларнинг қатта жанглардаги илк зафари эди. Византия империяси қаршисида кучли рақиб турганини англаб етди.

Усмон мулклари бўлган ҳудудларга қўплаб аҳоли қўчиб кела бошлади. Бу Усмоннинг кейинги юришларига туртки берди. Византияликлар Усмоннинг мавқеи қучаётганини қўриб Онадўли қишлоқларини тарқ эта бошладилар. Византия қўмондонлиги Усмоннинг Европага қиладиган ҳужумига қарши туриш учун флотни мустаҳкамлашга қатта эътибор берди. Лекин Усмон ғарбга юришни давом эттириб Эгей денгизидаги Эфесни қўлга қиритди.

1305 йили усмоний-турклар Левке жангида мағлуб бўлишди, уларга қарши византияликлар қўшинида хизмат қилаётган каталониялик бўлинмалар ҳам қатнашган эди. Кейин Византияда тахт учун қураш бошланиб, бу турклар учун ҳарбий ҳаракатларни давом эттириш учун қулай вазият бўлди. Усмоннинг ҳарбийлари Онадўлининг Қора денгиз соҳилидаги Византияга тегишли бир қанча шаҳарларни эгаллашди. Ўша йили турклар биринчи марта Дарданелдаги Византиянинг Европа қисмидаги ҳудудларига ҳужум қилишди. Шунингдек, Усмон қўшинлари Бурсага олиб борадиган йўлдаги бир қанча қалъаларни ҳам забт этишди.

1315 йилга келиб Бурса атрофидаги барча қалъалар усмонийлар қўлига ўтган эди. Усмонийлар Бурсани кейинроқ Эртўгрул ўлган йили тугилган Усмоннинг ўгли Ўрхун даврида эгаллашди.

Ўрхуннинг қўшини асосан отликлардан ташкил топган эди. Туркларда қамал қуроллари йўқ эди. Шунинг учун бей барча тарафи қучли девор билан ўралган шаҳарни қамал қилишга қарор қилмади ва Бурсага олиб бордиган барча йўлларни тўсиб, шаҳарни дунёдан узиб қўйди. Турклар забт этган ўлкалар аҳолисини қўчириб, уларнинг ўрнига бей буйруги билан турк аҳолиси қўчирилди, Бурса атрофидаги қалъаларда ҳам турклар жойлашишган эди. Бурса ҳеч қаердан ёрдам олмади ва ташқи дунёдан тамоман узилиб қолди. Туркларнинг бу қамали 10 йил давом этди. 1326 йилнинг апрелида Ўрхун қўшини шаҳар деворига яқин турган пайтда шаҳар таслим бўлди. Бу воқеа Усмоннинг ўлиmidан биров олдин бўлиб ўтди. Унга хабарни етказишганда Усмон ўз қароргоҳида ўлишига жуда оз вақт қолган эди.